

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИННИГ ИЖОДИЙ САЛОХИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
МАСАЛАЛАРИ.**

Халиков Тулкин Хуррамович
ТерДУ рус ва жаҳон адабиети кафедраси

Аннотация: Мақолада компетентли бўлажак ўқитувчининг креатив салоҳиятини ривожлантириши масалалари, "педагогик ижодкорлик", "ижодий тасаввур" каби тушунчалар ҳақида сўз боради. Шунингдек креатив салоҳиятни ривожлантиришига имкон берувчи ва тўсқинлик қуловчи ижодий муҳитнинг ҳусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: "Ижодий фаолият", "лингвистик ижодкорлик", "педагогик ижодкорлик", "ижодий компетенция", "ижодий салоҳият", "ижодий муроқом", "ижодий тасаввур", "ижодий мустақиллик", "ижодий қобилият", "ижодий йўналганлик", "ижодий ўзини-ўзи англаш", "ижодий тафаккур", "ижодий фантазия".

Технологиянинг процессуал томонини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак ўқитувчининг креатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув-касбий фаолиятнинг ўзига хос ҳусусиятларини таъкидлаш керак.

Тадқиқотимиз давомида бўлажак ўқитувчининг креатив салоҳиятини ривожлантириш технологиясини амалиётга тадбиқ этиш учун маҳсус ташкилий-педагогик шарт-шароитлар яратилса, креатив салоҳиятнинг ривожланиш даражаси ошади, деган фикр илгари сурилди.

Қисқача фалсафий энциклопедияда шарт-шароит тушунчасига қуйидаги таъриф берилган – бу шундай нарсаки, унга бошқа бир нарса боғлиқ (шартланган), зарурият, муқарралик билан бирор нарсани (ҳаракат, ҳаракат натижаси) яратадиган сабабдан ва натижанинг мантиқий шарти бўлган асосдан фарқли равишда буюмни, ҳолатни, жараённи мавжут бўлишига имкон яратади.

Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар олимлар томонидан таълим муаммоларини муваффақиятли ҳал этишини таъминловчи имкониятлар сифатида қаралади.

Бўлажак ўқитувчининг креатив салоҳиятини ривожлантириш технологиясини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шартлари деганда биз ушбу технологияни қўллаш самарадорлиги боғлиқ бўлган зарур ва етарлича муҳим ҳолатлар йиғиндисини тушунамиз.

Шароитларга бўлган эҳтиёж психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, олий ўқув юритидаги иш тажрибасидан ва креатив салоҳиятни ривожлантириш технологиясини тадбиқ этиш самарадорлигини ошириш борасида ўтказилган тажриба-синов ишларидан келиб чиқади.

Креатив салоҳиятни ривожлантириш технологиясини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шартларига қуйидагилар киради: мотивацияни фаоллаштириш,

субъект-субъект муносабатлари, ижодий мухит яратиш, креатив ўқув-касбий вазифаларни табақалаштирилган ҳолда қўллаш, рефлексия, техник ва услубий ёрдам кабилар. Фаолиятнинг ҳар бир босқичида креатив салоҳиятни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Биринчи шарт. Мотивация ҳар қандай жараёнда, ҳаракатда, фаолиятда ва ҳоказоларда ҳаракатлантирувчи куч, турткидир. Шунинг учун креатив салоҳиятни ривожлантириш технологиясини самарали тадбиқ этиш учун талабаларни ўз салоҳиятини ривожлантиришга ундаш керак. Ўқитувчи мотивацион соҳани фаоллаштиришнинг турли усулларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни ўз креатив салоҳиятни ривожлантириш даражасини оширишига туртки бериши керак. Ҳар бир дарсда талаба кашфиёт қувончини ҳис қилиши, унинг ўз кучига бўлган ишончини мустахкамлаши, билим олишга қизиқиши ортиши мухим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнида талаба у ёки бу билимнинг ўзи учун қандай фойдали бўлишини тушуниши, у ёки бу фаннинг келажакдаги касбий фаолиятида фойдали бўлишини ўзига ўзи исботлаши керак. Ижобий мотивациянинг яратиш- бу ўқув жараёнини балл-рейтинг баҳолаш тизими билан таъминлашdir. Балли-рейтинг тизими бутун семестр давомида назарий, амалий билимлар ҳамда кўникма ва малакаларнинг тўпланишини кузатиш имконини берганлиги сабабли талаба муайян фанни ўзлаштириш учун бор кучини сарфлаши керак.

Иккинчи шарт. Ижодий ўқув- касбий фаолиятда функционал-фаоллик ва шахсга йўналтирилганлик ёндашувларини амалга оширишда ўқитувчининг талабалар билан ўзаро муносабатларини ҳамкорлик ва биргаликда яратишга асосланган "субъект-субъект" муносабатлари тизимида куриш керак. Бундай муносабатлар қўйидагиларни назарда тутади: ўқитувчи ва талабаларнинг шахсиятлари тенглигини ҳисобга олиш; ижодий ўқув-касбий вазифаларни ҳал қилишда талабаларнинг фаол позицияси.

И.А.Зимняйнинг сўзларига кўра, субъект-субъект муносабатлари талабанинг шахсий актуаллашуви ва шахсий ўсиши учун шарт бўлганлиги билан қимматлидир. Умумий маънода субъект - бу энг юқори, маҳсус ўзи учун фаоллик даражаси, яхлитлиги, мустақиллигини, ўзига ўзи таъминлайдиган шахс. Бизнингча, айнан шундай позициялар талаба субъект ҳисобланади ижодий ўқув- касбий фаолиятини, креатив салоҳиятини ривожлантириш даражасини оширишга ёрдам беради.

Учинчи шарт. Тадқиқот шуни кўрсатдики, креатив салоҳиятнинг намоён бўлиши ва ривожланиши учун ижодий мухитни яратиш керак. Бундай мухит вазиятнинг қулайлиги, фаолиятнинг ҳар қандай ижодий маҳсулини қабул қилиш ва рағбатлантириш билан тавсифланади. Креатив салоҳиятни ривожланишига ёрдам берувчи ва тўсқинлик қилувчи ижодий мухитнинг хусусиятлари ўйидаги жадвалда келтирилган.

Креатив салоҳиятни ривожлантиришга
имкон берадиган ижодий мухитнинг
тавсифи

Креатив салоҳиятни ривожлантиришга
тўсқинлик қилувчи ижодий мухитнинг
тавсифи

<p>-қувонч;</p> <p>-дўстона муносабат;</p> <p>-озодлик;</p> <p>-хиссий фон;</p> <p>-хавф-хатарга интилиш;</p> <p>қизиқишилик;</p> <p>-мустақилликка интилиш;</p> <p>-қўрқув ҳиссиётларини олиб ташлаш;</p> <p>-кўплаб саволларни ҳал қилиш ва рағбатлантириш;</p> <p>-масъулият ва мустақилликни рағбатлантириш;</p> <p>-мустақил ишланмалар, кузатувлар, үзгартиришга тайёрлик;</p> <p>хиссиётлар, умумлаштиришлар,</p> <p>-таққослашларга урғу бериш;</p> <p>-қаттиқўллик билан берилган ва ўтадидий назорат қилинадигантдан фарқли ўлароқ тугалланмаганлик ва очиклик вазиятлари.</p>	<p>-хавфдан қочиш;</p> <p>-хатти-харакатлардаги қаттиқ тарз;</p> <p>-мувофиқлик (баъзи бир тан олинган ёки талаб қилинадиган стандартларга мувофиқлиги);</p> <p>-ҳаёлотни, фантазияни, тадқиқотни сўндириш;</p> <p>-пессимизм;</p> <p>-муваффақиятга бефарқлик; консерватизм;</p> <p>-нуқтаи назарини, ўз фикрини</p> <p>ўзгартиришга тайёрлик;</p> <p>-тадқиқотни, ҳаёлни, фантазияни маъкулламаслик;</p> <p>-дангасалик ва сусткашлик.</p>
--	--

Тўртинчи шарт. Тажриба жараёнида биз ижодий ўқув-касбий вазифаларни фарқлаш зарурлигини аниқладик. Креатив салоҳият ривожланишнинг дастлабки даражасининг диагностикаси натижалар ноаниқ эканлигини кўрсатди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда, 37-сон, 982-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ- 3151-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон, 01.08.2018 й., 06/18/5497/1604-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий тадқиқот муассасаларинг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва Инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3365-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2017 й.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 06.11.2017 й., 44-сон, 1109-модда.

4. Арипджанова А.Р. Развитие креативного потенциала педагогов высших образовательных учреждений в условиях информатизации образования. Дис. док...фил... (PhD).- Ташкент-2017.

5. Барткеев О.С. Дидактические основы отбора содержания курса «Педагогика»

в педагогических училищах: Автореф.дисс.... канд.пед.наук. - Киев, 2003. - 20 с.

6. Сагаутаинова М.И. Педагогические условия формирования готовности будущих учителей к профессиональной самоактуальности: Автореф.дисс.канд. пед.наук. - Алмати, 1999. - 30 с.